

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Хонка туман ГТБ “ мудир

К.Р.Тангрибердиев

2022 йил



Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Хонка тумани 2022 йил

Танлов хужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
2. Техник қисм
3. Нархлар қисми

1. Танлов предмети ва тахминий қиймати

- 1.2 Танлов охириги қиймати 150 000 000 (Бир юз эллик миллион) сумм ҚҚСбилан. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.
- 1.3 Бажариладиган иш турлари техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинган. Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.4 Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб йил давомида 2022 йил 31 декабрга қадар.
- 1.5 Ишларни бошлаш муддати — аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади, аванс белгиланган фоиз 30 % ни ташкил қилади.
- 1.6 Етказиб берилган маҳсулот кўчат ва ниҳоллар бажарган иш хажмидан келиб чиқиб шартнома суммасидан кўп бўлмаган миқдорда амалга оширилади агар 2022 йил охиригача ҳисоб-фактурага асосан бажарилган иш ёки етказилган маҳсулот суммаси шартнома суммасидан оз бўлса ҳам шартнома тўлиқ бажарилмаган деб ҳисобланади.

2. Танлов ташкилотчилари

- 2.1 Хонқа туман ТТБ (бундан кейин буюртмачи деб аталади) танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

Буюртмачи манзили: Хоразм вилояти Хонқа тумани Нурли Осмон Зуй

Эл адрес: sanjarbek_wg@mail.ru

- 2.2 Танлов Буюртмачи томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан электрон тарзда ўтказилади

- 2.3 Танлов Хонқа туман ТТБ Буюртмачи томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда белгиланган муддатда ўтказилади.

3. Танлов иштирокчилари

- 3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда маҳсулот, иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

- 3.2 Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

Танлов предмети қийматининг камида 30% миқдордаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларнинг беришга банк кафолатномаси, ишлар хизматларни маҳсулотларни етказиш бажариш учун зарур бўлган меҳнат(ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

Танлов ишларига ўхшаш ишларни бажарганлик тажрибаси мавжудлиги; ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисида маълумот; Низом гувоҳнома маблағ миқдори устав фонд.

- 3.3 Агар танлов предмети бўлган маҳсулотлар ишлар хизматларни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириш зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

- 3.4 Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

Қайта ташкил этилиш, (ажратилиш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол мулк мусодара қилинганлар, ҳамда муассасалик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлиги.

4. Танловда иштирок этиш учун таклифларни такдим этиш

4.1 Иштрокчилар ўз таклифларини электрон кўринишида (Etendr.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

4.2 Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар Буюртмачи ва иштрокчи ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида такдим этилиши мумкин.

4.3 Танлов хужжатларида куйидагилар такдим этишлари лозим:

Техник қисм Буюртмачи томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш хизматлар махсулотлар нархлари турма тур кўрсатилиши керак;

техник таклиф, Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва мухранган ҳолда; техник хужжатлар рўйхати (Брошюралар, техник паспортлар ёки шунга ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.4 Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.5 Танлов иштирокчиси:

- Фақат битта таклиф бериши мумкин;

-Такдим қилинган хужжатларнинг ҳақиқийлигига ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

-таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга.

5. Таклифларни такдим этиш муддатини узайтириш

5.1 Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштрокчилар учун тааллуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунига узайтирилиши мумкин;

5.2 Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиш қарори асосида амалга оширилади;

5.3 Танлов муддатини узгартириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим;

6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1 Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар;

6.2 Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштрокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир;

6.3 Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. Бошқа шартлар

7.1 Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида 3 кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (товарни, ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўймайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида 10 кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади;

7.2 Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклни тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушгансанадан эътиборан 2 иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров

давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида 2 кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун моҳиятини ўзгартирмаслиги керак;

7.3 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш байённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан 3 иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади;

7.4 Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш байённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан 3 иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт;

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

ИЛОВА

Товар бошланғич нархлари

	Номи	Тури	сони	Дона Суммаси	Жами суммаси	Изоҳ
1	Терак	нихол	19000	2300	43700000	Размер 0,60-0,80 метр
2	Каталпа	нихол	1100	12000	13200000	Размер 0,80-1,00 метр
3	Бақатерак	нихол	1182	5000	5910000	Размер 0,80-1,00 метр
4	Кайрағоч	нихол	12500	3500	43750000	Размер 0,80-1,00 метр
5	Павлония	нихол	2600	12000	31200000	Размер 0,80-1,00 метр
6	Япон Сафураси	нихол	300	8000	2400000	Размер 0,80-1,00 метр
7	Тол	нихол	120	12000	1440000	Размер 0,80-1,00 метр
8	Арча	нихол	700	12000	8400000	Размер 0,80-1,00 метр
Жами сумма					150 000 000 млн сўм	

Сумма сўз билан (Бир юз эллик миллион) сўм

Хонқа туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи:



К.Р. Тангрибердиев